



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 15 сентябрь, № 184 (4337)

Шанба

ЎЗБЕК ПАХТАСИННИНГ ЖАҲОН БОЗОРИ



Тошкент яна дунё пахта саноати вакиллари чорламоқда. 17-19 сентябрь кунлари бу ерда III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ҳамда IV Халқаро пахта ва тўқимачилик конференцияси бўлиб ўтади.



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ва "Cotton Outlook" журнали кўмагида ташкил этилган бу галги нуфузли ярмаркада иштирокчиларнинг сони ортishi кўпайди. Негаки, ўзбек пахтасининг, серкуёш юртимиз толасининг оҳанрабои бор. Бу шундай оҳанрабоки, у толаннинг узунлиги, пишқилиги, ранги ва микронейр кўрсаткичлари билан изоҳланади. Заминимизда етиштирилган пахтанинг ана шу жиҳатдан устуңлиги халқаро микёсда эътироф этилгани боис унга эҳтиёж йил сайин ошмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Президентимиз ташаббуси билан илк бор 2005 йилда ташкил этилиб, ҳозирда аънавий тус олган пахта ярмаркаси барча талабгорлар учун катта имкониятдир. Чўки улар ярмарка давомида нафақат юртимиз пахтачилиги саноати билан яқиндан та-

нишиш, балки бир пайтнинг ўзида биржа савдоларида қатнашиб, пахта толасини етиштириб беришчилар билан тўғридан-тўғри шартномалар имзолашлари мумкин. Толамининг илгари учинчи қўлдан харид қилганлар учун эса бунинг аҳамияти ниҳоятда бекиёсдир. Буни мана бу рақамлар ҳам исботлайди. 2005 йилги пахта ярмаркасида дунёнинг 30 мамлакатидан пахта савдоси билан шуғуланувчи 169 вакил иштирок этган бўлса, ўтган йили 36 давлатдан 250 дан зиёд вакиллар қатнашди. Натижада, кенг ҳажмдаги тола хариди бўйича шартнома ва битимлар тузишга эришилди.

Бу йил эса, дастлабки маълумотларга қараганда, 33 давлатдан 263 та компаниянинг 490 вакили ярмаркада иштирок этиш истагини билдирган. Рақамлар ҳали ортishi мумкин. Зотан, Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси ўзбек

пахтасининг жаҳон бозоридир.

Ярмарка "Ўээкспомарказ" маҳмунининг биринчи павильонидида ўтказилади. Бу ерда ана шу нуфузли тадбирга тайёргарлик ишлари якунига етди, ҳисоб. Музокаралар олиб бориладиган хоналар халқаро ярмаркалар талаблари даражасида жиҳозланди. Меҳмонлар тола намуналари билан танишадиган махсус зал эса шай ҳолатда. Мазкур залда толаннинг мингдан орттик намуналари намойишга қўйилди. Энг муҳими, тола хариди билан боғлиқ операциялар шу жойнинг ўзида амалга оширилади.

Халқаро таҳлилчиларнинг эътирофи эйтишча, Жануби-Шарқий Осиёда жадал ривожланаётган тўқимачилик саноати ўзбек толасига бўлган эҳтиёжни тобора оширмоқда. Дарҳақиқат, бугун Ўзбекистон пахта толаси Хитой, Россия, Эрон,

(Давоми 2-бетда).

Кунни кеча республикамиз матбуотида мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг "Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди.

ХАЛҚ ШОИРАСИГА ЭҲТИРОМ

Бу қарор, аввало, ўзбек халқининг севимли фарзанди, таниқли жамоат арбоби Зулфия Исроиловнинг миллий адабиётимиз ва маданиятимиз ривожига қўшган улкан ҳиссаси, унинг бетакор икхдий мероси ва ибратли фаолиятининг яна бир амалий эътирофидир. Ўз навбатида бу муҳим ҳужжат юртимизда адабиёт ва санъат, маданият соҳаси раванқига, ижодкор зиёлиларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатига берилётган катта эътибор ва ғам-хўрлик намунаси сифатида барчамизни қувонтиради. Айни пайтда бу қарорнинг қабул қилиниши Яратганининг бекиёс мўъжизаси бўлмиш аёл зотига юртимизда кўрсатилаётган юксак ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир, десак, янглишмаган бўламиз.

Бу қарорнинг ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида гапирганда, сўнгги йилларда бевосита Президентимизнинг ташаббуси билан халқимиз тарихида ўчмас из қолдирган атоқли адиблар, фан ва маданият намояндларининг эл-юртимиз олдидаги улкан хизматлари муносиб баҳоланиб, уларнинг хотирасини абадийлаштириш, қўтлуғ меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш борасида кўпгина ишлар қилинаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу ўрнида бир гурӯҳ марҳум улуғ шоир ва ёзувчиларимизнинг "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланиб, таваллуд тўйларининг кенг нишонланганини эслашнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз.

Ортбошимиз ҳассос шоира Зулфиянинг серқирра ҳаёт ва ижод йўли, маънавий ҳаётимизда тутган ўрни, ёш авлодни тарбиялашдаги хизматларига ҳамиша алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келаётганидан жамоатчилигимиз яши хабардор.

Шоира таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Президентимиз томонидан йўланган табрик хатида, жумладан, шундай сўзлар битилган эди: "Сиз латиф ижодингиз билан миллионлаб кишиларга эзгулик, муҳаббат ва садоқатдан сабоқ бердингиз. Аслида бу ёруғ дунёда айрилиқ ва ҳижрон азоби ҳаммининг ҳам бошида бор, аммо ғам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик орзулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган сиз каби аёллар жуда кам топиллади".

Давлатимиз раҳбарининг Зулфияхоним ижодига бўлган юксак эътибори 1999 йил 10 июнда қабул қилинган "Зулфия номидаги давлат мукофоти"ни таъсис этиш бўйича тақлифларни қўлаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармонда ҳам ўз аксини топти. Ўтган саккиз йил давомида ўзининг аъло билими ва ҳулиқ, адабиёт ва санъат соҳасидаги истеъдодини намоян қилиб келаётган иқтидорли қизларимиздан 112 нафари ана шу юксак мукофотга сазовор бўлди. Бугунги кунда маънавий ҳаётимизда фаол иштирок этиб, кўпчиликка ўрнак бўлаётган бу қизлар тимида эл-юртимиз келгусида Зулфияхоним каби юртимиз шўҳратини дунёга таранун этакдан юксак салоҳият, ақл ва тафаккур соҳибларини кўришни орзу қилади.

Маълумки, Зулфия она Тошкентда туғилган, шу асим шаҳарда камолга етиб, илк ижодини шу ерда бошлаган эди. У мана шу гўзал мактабда сукули ёри Ҳамид Олимжон билан оила қурди. Умрининг саодатли дамлари, висол ва айрилиқ оилари, шодлик ва аламлари ҳам, аввало, она шаҳри Тошкент бағрида кечди. Улуғ шоирдан ёдгор фарзандларини меҳр ва садоқат билан тарбиялади, ҳақиқий шоғирлар, чин дўстлар орттирди, эл-юрт ҳурматиға сазовор бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Зулфия опаимизнинг аёл ва она сифатидаги бутун ҳаёти ва ижоди Тошкент билан чамбарчас боғланиб кетган.

Яқинда Президентимиз ҳузурда бўлиб ўтган бир йилгиликда давлатимиз раҳбари юқоридида эйр этилган ана шу фикрларни баён этиб, шоира хайкалини Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон давлат санъат музейи ёнидаги гўзал жиё-



бонга ўрнатиш мақсадига мувофиқ бўлур эди, деган тақлифни билдирди.

Барчамизга маълумки, бир пайтлар мана шу жойда бир қатор давлат ва жамоат арбуслари, шулар қаторида ҳаётдан эрта кетган шоир Ҳамид Олимжон ҳам дафн этилган эди. Ушунда ўйламасдан, миллий урф-одатларимизга эид равишда қилинган бу хато кейинчалик Юртбошимиз топшириғига биноан тузатилиб, қабрлар бу ердан кўчирилди. Ҳамид Олимжон хоки эса Чигатой қабристонидида манг ором топди.

Зулфияхоним хотирасига бағишлаб бунёд этилган бўлгуси музаам бадий обиданинг айнан мана шу ерда кад ростлашди ҳам ўзига хос рамзий маъно борлигини англаш қийин эмас.

Президентимиз таъбири билан айтганда, яқин орада бу сўлим макан нафақат шоира хотирасига, балки муҳадас аёл зотига ҳурмат бажо келтирилган табаррук қадамжого айланиб қолади.

Албатта, келгусида Зулфияхоним таваллуд топган 1 мартда, баҳорнинг илк кунинда — Хотин-қизлар байрами арафасида бу ерга юзлаб адабиёт мухлислари, шоиранинг издошлари ва шоғирдлари келиб гулдастлар қўядилар, буюк устозларининг азиз хотирасини эҳтиром билан ёд этакдилар.

Мухтасар қилиб айтганда бўлсақ, ҳассос шоира Зулфияхонимга ўрнатиладиган ушбу ҳайкал нафақат бугунги, айни пайтда келгуси авлодлар учун ҳам катта тарбиявий аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Юқоридида эслатибган йилгили чоғида Президентимиз шу муносабат билан яна бир масалага алоҳида тўхтади. Яъни, ардоқли шоираимизнинг бадий сиймосини яратиш, аввало, ҳайкалтарош ва мезморларимизнинг истеъдоди, ижодий маҳорат ва фантазиясига боғлиқ, лекин биринчи галда садоқат ва вафо, ибто тимсоли бўлган Зулфия опаимизга хос юксак, олижаноб инсоний фазилатлар бу ҳайкалда ўзининг ёрқин ва теран ифодасини топса, айни мудоао бўлур эди, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Улуғ шоирамиз ўз шөрларидан бирида инсон руҳининг боқийлиги, эзгулик ва адолатнинг манг улаши ҳақида шундай ҳароратли сўзларни битиб қолдирган эди:

Ҳамон эътиқодим — ҳақиқат, ҳақдир,
Сузаёлим, юзмин тутиб Кавказга,
Ешира олмаёди ўтқичи тақдир,
Осуда ўтади руҳим абадга.

Эзозлар, ардоқлар учун ташаккур
Асли Сиз офтобим, мен ташаккур.
Тонларингиз кулсин доғролмон, ҳур,
Бахтим ишга — ўзбекингиз Зулфиясимин.

Бу гўзал, ўлмас сатрларни шарҳлаш, уларга нимадир қўшимча қилишга, менимча, ҳожаат бўлмас керак.

Х. СУЛТОНОВ.

Фармон ва ижро

ҒАМҲЎРЛИК ВА БАҲРАМАНДИК

Ёш оилада нима қўп бўлади? Қувонч, ҳаяжон ва, албатта, муаммо. Бундай пайтда катталарнинг четда қараб турмаслиги — келин-куёвга имкон қадар ёрдам бериши халқимизга хос фазилатлардан. Шу боис, ёш оилаларни ҳар томонлама қўлаб-қувватлашга мамлакатимизда давлат сиёсати даражасидаги масала сифатида қаралади.

Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг жорий йил 18 майда эълон қилинган "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўлаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бунинг ёрқин мисолидир.

Яқинда оила қурган пойтахтлик Ғанишер Абдувоҳидовнинг олдиди уй-жой муаммоси пайдо бўлган эди. Бунда унга Президентимиз Ислам Каримовнинг ёш оилаларни моддий ва маънавий қўлаб-қувватлашга қаратилган мазкур фармонидида белгиланган имконият ва имтиёзлар жуда қўл келди. Зарур ҳужжатларни тўрлаб, Республика акциядорлик тижорат "Ғаллабан"ка мууроаат этди. Банк пойтахтимизнинг Чилонзор қўчасидаги қўп қаватли уйлардан биридан квартира сотиб олиши учун унга 40 миллион сўмлик ипотека кредити ажратди. Ёш оила қисқа муддатда уйли бўлди.

Банк томонидан ажратилган бундай кредитларнинг қўлаб-қўйилган жиҳатлари қўп. Аввало, кредит узок муддатга — ўн беш йилга берилади. Шунинг уч йили имтиёзли — фақат устама фоизи туланади. Бунинг устига кредитни узши учун туланидиган маблағдан даромад солиғи олинмайди. Фармонда кўзда тутилган бундай имтиёзлар ёш оилаларнинг кредитни тулаш имкониятларини янада кенгайтиради.

(Давоми 2-бетда).

Олий Махлис Қонунчилик палатасида

Кеча Олий Махлис Қонунчилик палатаси қўмиталарида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор масалаларга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

эмаслиги, технологик қайта жиҳозлаш суръатлари паслиги саноат ишлаб чиқаришида тўсқинчилик бўлиши мумкин. Шу боис, кичик саноат корхоналарини ривожлантириш учун мавжуд қонунчилик базасини такомиллаштириш, пировардида, "Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш лозимлиги таъкидлаб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидида малака оширишга келган ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ташкил этиш аънағана айланган. Республика Бош прокуратураси Қонунчилик мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш ҳақида Адлия вазирлиги ҳузуридида Юристарлар малакасини ошириш марказлари тингловчилари ва профессор-ўқитувчилари билан мазкур қўмитаданги учрашуви ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Қўмита раиси Н. Исмоилов

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим тарқибий қисми сифатида "чўр ислох этиш ва эриқлаштиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш" мавзусидаги бу тадбирда мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислох этилгани, судларнинг икхтислаштирилгани, суд ишларини апелляция тарзида қўриб чиқиш ва яраштирув институти жорий этилгани, тергов-суриштирув ва жиҳода сақлаб туриш муддатлари сезиларли даражада қисқартирилгани эътироф этилди. Шунингдек, амалиётда дўч келинаётган муаммо ва масалалар юзасидан тегишли тақлиқ ва мулоҳазалар ҳам билдирди.

Қорақалпоғистон ҳудудидаги ўсимликлар, қўшлар, сўт эмизувчилар, судралиб юрүвчилар ва баликларнинг жами 70 га яқин тури Ўзбекистон "Қизил китоб"га киритилгани Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ташкил этилган йилгиликда алоҳида қайд этилди. "Табияти муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг Қорақалпо-

ғистон Республикасидаги ижроси муҳоама этилган мазкур йилгиликни қўмита раиси Т. Каримов бошқарди.

Тадбирда номи зикр этилган қўнун ижросини таъминлаш борасида Қорақалпоғистон Республикасида муайян ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Хусусан, ушбу қўнун асосида жойларда экологик ҳолатини соғломлаштириш, тўқайзорлар ва улардаги биологик хилма-хилликни асраш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш мақсадида БМТ Тараққёт дастури ва Глобал экологик жамағарна билан ҳамкорликда Амударёнинг қўйи қисми — Қорақалпоғистон Республикасида тўқай ўрмонларини сақлаш ва муҳофазалангани ҳудудлар тизимини мустақамлаш йўналиши бўйича 5 йилга мўлжалланган лойиҳа амалга оширилмоқда.

Соҳида эришилган ютуқлар билан бирга, муайян камчиликлар мавжудлиги ҳам таъкидланди, уларни ҳал этиш юзасидан зарур тақлиқ ва мулоҳазалар берилди.

Қобил ХИДИРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Республикамизда ялли ички маҳсулот ҳажми 1990 йилдагига нисбатан

1,3 баробар ошди.

Аниқ мақсадга қаратилган бозор ислохотларини, иқтисодиётда чўқур тарқибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни ташкил этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан шундай иқтисодий тараққиётга эришилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКISTON МАМЛАКАТНИ ФАОЛ ИСЛОХ ЭТИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Махлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллиғига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси дунёнинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, академик, эксперт, дипломатия доираларида, халқаро ташкилотлар ва хорижий оммавий ахборот воситаларида катта қизиқтириш уйғотди. Бунда экспертлар мамлакатимиз раҳбарининг ўзбек давлати тараққийотининг ҳозирги босқичини демократияни ривожлантиришга йўналтирилган фаол ислох этиш ва модернизациялаш даври, деб таърифлаганига эътибор қаратишмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, РФ Сийсий конъюктура маркази эксперти Евгения Войко қўйидагиларни қайд этди: «Айни пайтда ўзини сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий жиҳатдан намоян эътиборини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонни муваффақиятли мамла-

томонидан республикага қаратилаётган катта эътибор бундан далолат бериб туради». Япониянинг собиқ молия вазирини, Тоёо университети фахрий ректори М. Шюкава Осиёдаги саноати тараққийот этган етакчи мамлакатлар, шу жумладан, Япониянинг ривожланиши тарихини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич ва самарали тарзда рўйбга чиқаришга асосланган Ўзбекистон Республикасининг замонавий ва жадал давлат қурилиши билан тақлилий таққолаш республика раҳбарияти сиёсатининг узққни кўра билиши ва самардорлигини кўрсатади, дея қайд этди.

кат, деб аташ мумкин. Ўзбекистон нафақат минтақада, балки халқаро майдонда ҳам муҳим аҳамият касб этадики, хорижий шериклар

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ буйлаб

Ўқув-тренинг ўтказилди

Самарқанддаги «Panorama-grand» меҳмонхонасида республикамиздаги молия, ижтимоий таъминот идоралари, иқтисодчилар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида «Натихада мослашган бюджетлаштириш ва ўрта муддатли бюджет стратегияси» мавзусида ўқув-тренинг ўтказилди.

Тадбир Жаҳон банки институти ва БМТ Ривожланиш дастурининг «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти» ҳамда «Ўзбекистон аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш бўйича ўтказилаётган стратегик жараённи қўллаб-қувватлаш» лойиҳалари томонидан ташкил этилди.

Абдурусул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Абонентлар сони

4 миллион 269 мингга етди

Ўзбекистон Республикаси Радиочастоталар бўйича давлат комиссияси маълумотларига кўра, 2007 йилнинг 1 сентябрга келиб, юртимиздаги уяли алоқа абонентлари сони 4 миллион 269 мингга етди.

Биргина жорий йил август ойида мамлакатимизда мобил алоқа абонентлари сони 314 мингга кўпайди. Айтиш жоизки, 2007 йилнинг 1 январидан уяли алоқа абонентлари сони 2 миллион 720 мингга эди.

Эслатиб ўтамиз, айна пайтда юртимизда бешта уяли алоқа операторлари фаолият олиб бормоқда. Булар «МТС-Ўзбекистон» (Уздурибита, GSM стандарти), «Unitel» («Билайн») савдо русуми остида фаолият олиб боради, GSM стандарти), «COSCOM» (GSM стандарти), «Rubicon Wireless Communication» – «Perfectum Mobile» (CDMA стандарти) ва «Ўзбектелеком» АК («O'zcombay») савдо русуми, CDMA стандарти)дан иборат.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири

Кичик корхонанинг антиқа маҳсулотлари

«Ангренгитшум» масъулияти чекланган жамияти қошида қурилган мини завод ишга туширилиши биланқо кўпчилик эътиборини ўзига қартири.

Чунки Хитой технологиялари билан жиҳозланган бу шохобчада фақат оддий гилт эмас, балки тарихий ва маданий ёдгорликларни қайта тиклашда асқатидан қопламалар ва кошинкор қадамлар тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Улар гишик-мухтакам, бетакор гузалликка эга бўлиб, сиртки кўринишдан ял-ял товланувчи хонатласони эслатади. Натихада корхона мижозлари сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Абдуноби ХАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқда

мухташам коллеж

Жорий йилда Жиззах вилоятида 8 та касб-хунар коллежи фойдаланишга топширилди. Бу билан 52 та коллеж ва лицейдаги ўқувчилар сони 43 минг нафардан ошди.

Жиззах туманидаги «Тоқчилик» ҚФЙ ҳудудида иш бошланган 4 қаватли ўқув даргоҳини қуриб битказиш учун 2 миллиард 150 миң сўмлик маблағ сарфланди. Замонавий, энг сўнгги жиҳозлар билан таъминланган коллежда ахборот-ресурс маркази, спорт зали ҳам мавжуд.

Ҳозир 300 нафардан зиёд ўқувчи таълим олаётган коллежда молия, банк, маркетинг, статистика йўналишлари бўйича сабоқ берилаётти. Келгусида коллеж ўқувчилари сони 700 нафарга етказилади.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Кураш: кеча, бугун ва эртага»

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейининг Мустақиллик бўлимида миллий спортимиз — курашга бағишланган кўрғазма очилди.

Шу муносабат билан ўтказилган давра сўхбатда таъкидланганидек, тарихи олис ўтмишга бориб тақалувчи курашимиз истиқлол йилларида халқро спорт тури сифатида жаҳон майдонига чиқди. Бугунги кунда беш қитъада Кураш конфедерациялари, 90 га яқин мамлакатда Кураш федерациялари ташкил этилганлиги миллий спортимизга жаҳонда қизиқиш ортиб бораётганлигини кўрсатади.

Павильонларимизда намойиш этилаётган экспонатларни қўриш учун хорижий мамлакатлардан ҳам меҳмонлар ташриф буюришди, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова. — Шу жиҳатдан олиб қараганда, «Кураш: кеча, бугун ва эртага» деб номланувчи бўлимиимиз ҳам кўнликда қизиқиш уйғотиши табиий. Кўрғазмадан кураш кийимлари, мусобақалар тарихига оид суратлар ва бошқа ноёб экспонатлар жой олган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президент И. Каримов маърузасида белгиланган мақсад ва вазифаларнинг долзарблигини таъкидлар экан, М. Шоиқова республикамиздаги иқтисодиёт барқарор ўсишининг суръатларини таъминлаш, саноат ва қишлоқ ҳўжалигида юқори рентабелли тармоқларни яратиш, шунингдек, миллий кадрлар тайёрлаш учун зарурий кафолат бўлган сиёсий барқарорликнинг даражасига юқори баҳо берди.

Кембриж университетининг Марказий Осиё бўйича форуми раиси, профессор Ситхарад Саксена Президент И. Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, Ўзбекистонда танланган ва рўйбга чиқарилаётган давлат ривожланишининг ўз модели тўғрилиги ишонч билдиргани ҳолда бу моделнинг ҳаётга таъбиқ этилиши босқичлари маърузада аниқ-равшан ўз ифодасини толаганини қайд этди. Профессор С. Саксена республика раҳбариятининг барқарорликка эришиш ва Ўзбекистондаги жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш борасидаги ролини алоҳида таъкидлади.

«Уч дин форуми» халқаро ташкилоти директори Сидин Шиптон қайд этганидек, кўп миллатли аҳоли ўртасида тинчлик ва тотувлик таъминлангани, турли диний конфессиялар вакиллари дўстона ва бир-бирини тўғри тушунган ҳолда яшашга Ўзбекистоннинг мустақиллиги йиллари давомида эришган энг муҳим ютуқларидан бири ҳисобланади. С. Шиптон республикадаги мусулмон, христиан ва яҳудий жамоаларининг етакчилари

иштирокида динлараро уйғунликка эришиш бўйича Ўзбекистон таърибасига бағишлаб шу йил июн ойида Лондонда ўтказилган семинарни катта муваффақият ва намуна бўлса арзийдиган мисол, деб баҳолади. Киргизистонлик академик Р.Раҳмоналиевнинг баҳо беришича, «Ўзбекистон Республикаси мустақил миллий

Козогистон Республикаси Президенти хузуридаги стратегик тадқиқотлар институтининг бosh илмий ходими Гўльнур Раҳматулломина таъкидлаганидек, «Дарҳақиқат, Ўзбекистон мустақил ривожланиш йиллари давомида катта йўлни босиб ўтди ва жаҳон ҳамжамиятидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.

Россиянинг «Интерфакс», РИА «Новости», «Регнум» ахборот агентликлари ўз хабарларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг маърузаси мазмунини кенг ёритмоқда. Жумладан, «Интерфакс» агентлиги Ўзбекистон давлатининг ҳозирги ривожланиш босқичини Президент Ислам Каримов мамла-

газ мустақиллигини таъминлашга эришди, деган сўзларини келтирди.

«Демократияни ва фуқаролик жамияти институтиларини ривожлантириш ҳукумат сиёсатини диққат марказида бўлди», деб ёздади Саудия Арабистонида чоп этиладиган «Араб ньюс» газетаси. «Ўзбекистонда демократиянинг миллий моделини қуриш ҳар қандай давлатда тарих, дин, урф-одат ва анъаналар, одамларнинг менталитети ва психологиясини ҳисобга олган ҳолда бўлиши керак, деган фикрдан келиб чиқди. Демократик ўзгаришлар борасида сўнгги 16 йилда ўзбек халқи тўғри танланган фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан ишончи оқимлади. Бу мамлакатда амалга оширилган барча ислохотларнинг асоси бўлди».

«Дуу Жонс Жермани» ахборот агентлиги (ГФР) Германиянинг Марказий ва Шарқий Европа экспертлари бирлашмаси берган баҳога асосланган ҳолда тарқатган хабарига қуйидагича ёздади: «Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йил давомида бозор иқтисодиёти йўлида салмоқли қадамларни ташлади: миллий валютанинг тўлиқ конвертацияси амалга оширилди, барқарор юқори иқтисодий ўсишга эришилди (ялли ички маҳсулот ўсишининг йиллик миқдори 7 фоиз), мувозанатлаган бюджет, 2 миллиард долларлик ташқи савдо айланмасидаги ижобий салдо ва инфляциянинг паст кўрсаткичи (йиллик даражаси 7 фоиз). Бу омиларнинг барчаси мамлакат макрориктисодий барқарорлигидан далолат беради».

Жамшид МУТАЛОВ, «Жаҳон» АА.

ЎЗБЕКИСТОН МАМЛАКАТНИ ФАОЛ ИСЛОҲ ЭТИШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЙЎЛИДА

давлат сифатида жамиятни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар ривожлантиришни Президент томонидан ишлаб чиқилган дастур асосига қўйди ва бу жараён изчил давр этмоқдаки, 5 тамаойил унинг муҳим қирраларини ўзида ифода этган».

Р. Раҳмоналиевнинг қайд этишича, «Бу беш тамаойил сингари замонавий Ўзбекистондаги «Янги уй қурмай туриб эскисини бузма» шиори ҳам бугун ҳаммага маълумдир. Академикнинг таъкидлашича, «...Ўзбекистоннинг барча муваффақиятлари Президентнинг хизмати ҳисобланади: Ислам Каримов масъулияти ва чуқур мушоҳадали сиёсатчи, у ўзбек жамияти олдига турган жорий ва истиқболдаги вазифаларни етаран идрок этади».

Ўзбекистон эришган иқтисодий тараққиёт даражасига қарамай, шубҳасиз, ҳали мамлакатнинг улкан салоҳияти ҳаётга тўла татбиқ этилгани йўқ. Президент Ислам Каримов мамлакат ҳукумати олдига барқарор ва ўшқин иқтисодий ўсишни таъминлаш, ижтимоий йўналтирилган ислохотларни янада изчиллик билан рўйбга чиқариш, Ўзбек халқи турмуш даражасини ошириш, демократик ислохотларни фаол олиб бориш ва фуқаролик жамиятини қуриш бўйича аниқ вазифаларни қўйди».

Хорижий мамлакатларнинг қатор оммавий ахборот воситалари ҳам Ўзбекистон давлати раҳбарининг маъруза мазмунини, мустақиллик йиллари мобайнида республикада эришилган ютуқларни кенг шарҳламоқда.

катни фаол ислоҳ этиш ва модернизация қилиш даври, деб баҳолаганини қайд этади: «Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифалари — бу сиёсий ва иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини ҳар томонлама янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаолигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришдир».

Британиянинг «Би-би-си мониторинг» хизмати Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йилда ўз иқтисодиётини қайтадан ташкил этиш, армиянинг мудоффа қобилиятини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражасини ошириш, бугўй ва нефть-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Жаңубий Корея, Вьетнам, Туркия ва бошқа бир қатор давлатларга экспорт қилинган. Бунга мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбарининг раҳнамолиги ва бевосита ташаббуси билан қишлоқ ҳўжалиги соҳаси, шу жумладан, пахтачилик тармоғида изчил амалга оширилаётган тўб ислохотлар тўғрисида аниқ, десак, айна ҳақиқатини айтган бўламиз. Бир мисол: бугунги кунда рақамлар кетидан қувийдек номақбул қарашларга аллақондор барҳам берилган. Селекцион олимлар олдига юқори сифатли, касаллик ва зараркундаларга чидамли, серҳосил ва тезлишар гўза навларини яратишдек масъулиятли вазифа қўйилган. Чунки тола сифати бевосита гўза навга боғлиқ. Ҳозирда асосий майдонларда етиштирилаётган «С-6524», «Бухоро-8», «Наманган-77», «Омад», «Бухоро-102», «Бухоро-8» ва «Анджон-35» каби навлар ҳосили шундай кўрсаткичлари бўйича дунё тўқимачилик саноати талабларига тўла жавоб беради: эртапишар, тола чиқиши 40 фоиздан кам эмас.

Кувонарлиси, мамлакатимиз олимлари ва деҳқонлари бундай муваффақиятлар билан чекланиб қолаётганлари йўқ. Хусусан, Ўзбекистон Гўза селекцияси ва уруқчиллик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан пахта толасининг сифати ва ҳосилдорлиги янада яхшиланган янги «С-6541», «Наманган-34», «Ат-Термизий» каби истиқболли навлар яратилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Шу боис, нафақат Жануби-Шарқий Осиё давлатлари, балки дунёнинг бошқа бир қатор мамлакатлари ҳам ўзбек пахтасини харид қилишга умидвор. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг яна бир сабаби бор. Айтилиб, Туркия ва Хитой тўқимачилик саноатида асосан 29-30 миллиметр узунликдаги пахта толаси ишлатилади. Республикамизда эса камида 33 миллиметр узунликдаги тола берадиган навлар экилади. Бунинг ярамақ ишроқчилари жуда яқин билишади. Утган йиллар давмида ярмаркага қўйилган пахта ҳосили тўлиқ сотилгани ҳам бунинг исботлаб турибди.

Мустақиллик йилларида пахта етиштириш ҳажмини ошириш ва тола сифатини



ЎЗБЕК ПАХТАСИНИНГ ЖАҲОН БОЗОРИ

яхшилаш баробарида, уни қайта ишлашга ёндашув ҳам тубдан ўзгарди. Асосий эътибор, илгариги замонлардагидек, четга хом ашё эмас, балки тайёр ва ярим тайёр маҳсулот чиқаришга қаратилди. Негаки, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг давлатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўша мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек, ўша йилларда етиштирилган пахта хом ашёсининг 7 фоизини мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланар, қолган қисми сувветкин нарҳда четга чиқарилади.

Бугун-чи? Енгил саноатимиз тизимини таъминлаш бошқача манзара ҳужмон. Мавжуд пахта қайта ишлаш корхоналари бослаб чиқаришга қилинмоқда, техника ва технология жиҳатдан қайта жиҳозланган, янгилари мунтазам бунёд этилмоқда. Биргина «Ўзбекнегилсаноат» ДАК таркибига 200 дан зиёд корхона бўлса, шундан 66 таси пахта толасини қайта ишлашга иштирокдорлар. Ушбу корхоналарда йилга 330 миң тонна калава ип қайта ишланиб, халқ истеъмоли моллари тайёрланади. Мустақиллик

байрами арафасида яна 11 та янги корхонанинг ишга туширилиши бу қувватни бирмунча ошириди. Яъни, қарийб 3,5 миң тонна янги иш ўрни очилиб, 12,9 миң тонна калава ип, 3,2 миң тонна трикотаж мато, 7,8 миң тонна донга тўғри трикотаж маҳсулотлари ва кўпба тўғридаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш имкони яратилди. Энг муҳими, уларнинг экспорт салоҳияти қарийб 50 миң миңон АҚШ долларига ортди. Табиийки, бундай кенг қўламадаги иқтисодий ислохотлар натижасида кейинги йилларда нафақат қайта ишлаш суръати кескин ошди, хатто экспортда тайёр маҳсулотларнинг ҳажми ва салмоғи ҳам кўпайди.

III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси йилнинг энг қулай вақтида ташкил этилаётгани билан ҳам янада аҳамиятли. Нега деганда, айна шу пайтда пахта толаси бозоридан савдо фаоллашган бўлади. Айна шу ҳол томондан, яъни ишлаб чиқарувчилар ва қайта ишловчилар учун ҳам бирдек манфаатлидир. Шундай экан, жорий йилги ярмарка дунёнинг кўпба давлатларидан қозлаб трейдерларни жалб этади ва ўзбек пахта толасининг экспортни буйича кўпба шартнома ва битимларга бой бўлади, дейишимизга тўла асос бор. Бу эса, ўз навбатида, давлатимиз тараққиётни ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

И. ЎТБОСАРОВ, С. РАҲМОНОВ. СУРАТЛАРДА: «Тошкент — Тола» худудий пахта терминали фаолиятини даволатлар. Темура ҚҮРБОНОВЕВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Буларнинг барчаси, — дейди «Галлабанк» кичик бизнес ва жисмоний шахсларни кредитлаш ҳамда мониторинг босқирмаси бошлиғи Нодир Мухаммадхўжаев. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш, жамиятнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган оилани мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида қўрсатилган доимий эътибор ва ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир. Давлатимиз раҳбарининг маъруза фармони моддий-маънавий кўллаб-қувватлаш, меҳнат фаолиятини бошлаш, мустақил ҳаётга қадам қўйишда ёш оилаларга зарур амалий ёрдам қўрсатиш, хусусан, уй-жой ва маиший шaroитини яхшилашда муҳим омили бўлмоқда. Банкимиз борада амалга оширилаётган кенг қўламли хайрли ишларда фаол иштирок этаётгани билан фахрланамиз.

Президентимиз фармонида белгиланган вазифаларнинг ижросини изчил таъминлаш мақсадида «Галлабанк» тизиминида ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида микрокредитлар, ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, амалда жорий этилмоқда. Шу йилнинг биринчи сентябрга қадар банк томонидан ёш оилаларга 427,2 миллион сўмлик ипотека, 299,7 миллион сўмдан зиёд истеъмол, 613,1 миллион сўм миқдорда микрокредит ажратилди.

Наманган вилоятининг Учқўрғон туманида истикомат қилувчи Акмал Ортиқов ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлганлардан. У «Галлабанк»нинг имтиёзли филиалидан 14,3 миллион сўмлик микрокредит олиб, макарони ва мис маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бугун

унинг бизнеси изчил ривожланмоқда.

Пойтахтлик Илҳом Толипов эса банкнинг Тошкент вилояти филиалидан олган истеъмол кредити жиҳозлари замонавий мебель хисобига зарид қилди. Унинг таъкидлашича, истеъмол кредити талай қулайликларга эга. Жумладан, кредитни расмийлаштириш ун талаб қилинадиган ҳужжатлар соддалаштирилган, аризаларни кўриб чиқиш муддати сезиларли даражада қисқартрилган.

Банкда ёш оилаларга истеъмол кредитлари учун асосий қарздорлик бўйича 6 ой, ипотека кредитлари учун эса 3 йил имтиёзли давр белгиланган бўлиб, бундай кредит 15 йилдан кам бўлмаган муддатга берилади.

Ана шундай қулайликлар сабаб «Галлабанк»нинг жойлардаги филиаллари томонидан биргина август ойининг ўзида ёш оилаларга берилган имтиёзли кредитлар миқдори 319,4 миллион сўмни ташкил қилди.

Банк мутахассисларининг таъкидлашича, ёш оилаларни моддий-маънавий кўллаб-қувватлашда жорий йил охирига қадар яна 3 миңлардан сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратиш режалаштирилган. Президентимиз фармонида биноан мамлакатимиздаги бошқа банklar томонидан ҳам имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида кичик бизнес ва хусусий тадбирдорлигини ташкил қилиш, уй-жой қуриш, таъмирлаш, сотиб олиш (ижарага олиш), уй-ҳўжалигини йўлга қўйиш ҳамда мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш мақсадлари учун жорий йилда жами 50 миллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Жасур КЕНГБЕКОВ, ЎЗД мухбири.

Газетада босилмади, аммо...

Тахриратимизга муҳожат қилган Хатирчи тумани Қўзсарой сойи фермерлар уюшмасида яшовчи фуқаролар ҳудудда алоҳида, барча қулайликларга эга бўлган қишлоқ врачлик пункти ташкил этилишини сўраб, хат биттиришди. Навоий вилояти ҳокимлиги соғлиқни сақлаш босқирмаси бошлиғи А.НОСИРОВнинг маълум қилишича,

МАНЗИЛЛИ ДАСТУРГА КИРИТИЛДИ

«Худудда Э.Абдиев номи қишлоқ врачлик амбулаторияси (ҚВА) ўрнига II типдаги қишлоқ врачлик пункти қурилиши бошланган бўлиб, у шу йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топширилади. Шу муносабат билан Э.Абдиев номи ҚВА тиббий хизмат қўрсатадиган 8471 аҳолининг 5343 нафари шу ҳудудда қолдирилиб, масофа узоқлиғи ва аҳоли сонидан келиб чиқиб, қолган 3128 нафар аҳоли учун Араб қишлоғида жойлашган, бўшаб қолган 45-мактаб биносининг бир қисми қайта таъмирланиб, ҚВПга мослаштириш мақсада мувофиқ деб топилди».

М. ХОЛМУҲАММЕДОВ.

Фахр

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрами шодибналари давом этаётган шу кунларда ЎзЛиДеП Самарқанд вилояти кенгаши

ташаббуси билан «Мен мустақиллик тенгдошиман» деб номланган акция ўтказилди. Мазкур тадбирда 1991 йил 1 сентябрда ўтказилган ва янги ўқув йилида касб-хунар коллежлари ҳамда академик лицейларга қабул қилинган 100 нафардан ортиқ ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, қадимий меъморий обидалари, муқаддас қадим-жоларига сабаҳат қилган, улуг бобоқалонларимиз Амир Темура ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гуллар қўйган ёшларга барча-барчанинг ҳаваси келди. Рост-да, уларга ҳавас қилмай бўладими? Ахир, 1991 йил 1 сентябрь — мамлакатимиз мустақилликка эришган, халқимизнинг азалий орузи ушалган кун. Шундай қутлуг кунда таваллуд топганлар 16 ёшда!

Улар мустақилликнинг кенг имкониятларидан баҳраманд бўлган авлоддир. Бу авлоднинг жаҳон андозларига мос касб-хунар коллежлари ва академик лицейларга билим олиш, касб-хунар эгаллаш учун қабул қили-

буюқ эканлигига беихтиёр имон келтирасан, ишонасан. Истиқлол тенгдошлари! Унутмайлик, улар узоқ қутилган мустақиллик хабарини ўзгаларга етказишга шошилган шуқули, айна пайтда масъулиятли

«СИЗЛАРГА ҲАВАС ҚИЛАМИЗ!»

ниши мустақил ҳаётга қўйилган илк қадамдир. Президентимизнинг ёшларга қўрсатаётган бемисл ғамхўрликлари тўғрисида барпо этилаётган замонавий зиб масканлари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлардаги шарт-шароитларни кўриб, бу ёшларнинг келажаги чиндан-дан нурафшон эканлигини ҳис этиш қийин эмас. Ва шу онда Ўзбекистонимизнинг келажаги

даврда дунё юзини кўрган авлод ҳисобланади. Бугун замонавий зиб масканларига қадам қўйган ва ёруғ манзилларни кўзлаётган, ниҳолларида ўт қакнаган, юрагида эркин, ҳурликнинг улугвор мақсадлари муҳимас бўлган худди мана шу авлод айлани қунга, дунёни ўзгартирудек ғайрат-шуғратга тўлганлиги халқимиз эришган катта ютуқлар сирасига кирди.

да тутилган ташкилий-ҳуқуқий шаклларда тузилади.

Сугурталовчилар ва сугурта брокерларини давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади, сугурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчиларини давлат рўйхатидан ўтказиш эса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади;

11) 12-модданинг тўртинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сугурталовчининг бошланғич устав фонди лицензия олинмаган пайтга қадар муассислар томонидан шакллантирилган бўлиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган устав фондининг энг кам миқдоридан кам бўлмаслиги керак»;

12) 26-модда:

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Сугурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган сугурта битимлари ва операцияларининг рўйхати, сугурта тарифлари, сугурта турлари ҳамда муддатлари очик ахборот бўлиб, сугурта сирини предмети бўлиши мумкин эмас»;

Иккинчи – тўртинчи қисмлари тегишинча учинчи – бешинчи қисмлар деб ҳисоблансин.


2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 14 сентябрь № УРҚ — 108

16



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Сугурта фаолияти тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил

Буклаш чизиғи

Киркиш чизиғи

буриятлар тўғрисида, шунингдек сугурталовчининг тўловга қобилиятлиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида ахборотга эга бўлиши;

сугурта шартномасини расмийлаштиришда сугурта қилдирувчи тўғрисида зарур ахборотга эга бўлиши, унга сугурта тавakkалчилигини пасайтириш ва сугурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини камайтиришга қаратилган аниқ тадбирларни амалга оширишни тақлиф этиши;

сугурта қилдирувчиларнинг сўровига кўра уларга сугуртанинг амалдаги шартлари тўғрисида ахборот бериши;

сугурта шартномаларини белгиланган тартибда тузиши ва янги муддатга ўз вақтида қайта расмийлаштириши;

тузилган сугурта шартномалари ва олинган сугурта муқофотлари суммалари ҳисобини белгиланган шаклда қўриштириши;

сугурта ҳужжатларининг сақланишини таъминлаши;

миқдорнинг тижорат сирини ёки бошқа сирини тақлиф этган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;

сугурта шартномасининг амал қилиш муддати мобайнида тавakkалчилик шарт-шароитларининг жиддий равишда ўзгаришига тааллуқли ахборотни сугурталовчи ўз вақтида олишини, шунингдек сугурта эътирозлари юзга келганда ҳамда уларни тартибга солиш жараёнида сугурталовчи ва сугурта қилдирувчи ўртасида ахборотнинг ўз вақтида алмашишини таъминлаши;

тегишли битим мавжуд бўлган тақдирда, сугурталовчининг топшириғига кўра ва унинг ҳисобидан сугурта тўловлари тўлиқлиги ташкил этиши шарт.

Сугурта агентининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9²-модда. Аджастер

Аджастер сугурталовчининг (сугурта қилдирувчининг) топшириғи бўйича куйидаги хизматларни кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

8

сугурта ҳодисаси юз берганидан кейин сугурта объектини қўздан кечириш ва текшириш; сугурта ҳодисаси фактларини ва тавakkалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш; сугурта объектнинг шикастланиш сабабларини ва сугурта ҳодисаси мавжудлигини аниқлаш; сугурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда – сугурта ҳодисаси оқибатида вужудга келган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини белгилаш; тўлиқлиги керак бўлган сугурта товони суммасини аниқлаш;

сугурталовчи учун сугурта ҳодисаси бўйича ҳулоса тузиши;

Аджастер ўз фаолиятини сугурталовчи (сугурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Аджастер:

сугурталовчи сифатида сугурта ва қайта сугурта қилиш операциялари ўтказишга;

сугурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

сугурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақи эмас.

Аджастер хизмати кўрсатиш натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилиб, ундан сугурталовчи зарарларнинг ўрнини қоплаш ва низоларни ҳал қилиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Аджастернинг ҳисоботида кўрсатилган ҳулосалар мустақил сугурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқиши мумкин.

9³-модда. Аджастернинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Аджастер куйидаги ҳуқуқларга эга:

аджастер хизматлари кўрсатиладиган сугурталовчининг (сугурта қилдирувчининг) эркин танлаш;

сугурта воқеасини (сугурта ҳодисасини) ўрганиш учун сугурта қилдирувчидан (сугурталовчидан) зарур ахборотни сўраш ва олиш;

сугурта ҳодисаси юз берганидан сўнг сугурта объектини қўздан кечириш ва текшириш;

ўзи сугурта объектини сирдан (зарур ҳолларда – техника воситаларини қўллаган ҳолда) қўздан кечирганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш;

9

Киркиш чизиғи

Киркиш чизиғи

Киркиш чизиғи

Киркиш чизиғи

танс хизматлари, техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатувчи, шунингдек уларга молиявий кўмак берувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Ассистанс ўз фаолиятини сугурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади. Ассистанс хизматларига сугурта қилдирувчилар (сугурталовчи шахслар) иштирокисиз фақат сугурталовчилар томонидан ҳақ тўланади.

Ассистанс:

сугурталовчи сифатида сугурта ва қайта сугурта қилиш операциялари ўтказишга;

сугурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

сугурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақи эмас.

9¹-модда. Ассистанснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ассистанс куйидаги ҳуқуқларга эга: ассистанс хизматлари кўрсатилиши бўйича сугурталовчилар билан мустақил равишда шартнома тузиш;

ассистанс хизматлари кўрсатилиши учун зарур бўлган барча ахборот сугурталовчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда, ассистанс хизматлари кўрсатиши рад этиш;

тегишли мутахассисларни ассистанс хизматлари кўрсатишда иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш.

Ассистанс қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Ассистанс:

сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

сугурта қилдирувчилардан (сугурталовчи шахслардан) сугурта воқеалари (сугурта ҳодисалари) тўғрисидаги хабарлар кеча-кундуз қабул қилинишини ташкил этиши ва сугурта шартномаси доирасида, тақдим этилган сугурта полиси асосида сугурта қилдирувчиларга (сугурталовчи шахсларга) зарур ёрдам кўрсатиши;

сугурта ҳодисаларини кўриб чиқиш ва тартибга солиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Ассистанс зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи

14

6¹-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно»;

3) куйидаги мазмундаги 6¹-модда билан тўлдирилсин:

6¹-модда. Сугурталовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Сугурталовчи куйидаги ҳуқуқларга эга: қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда сугурта (қайта сугурта қилиш) шартномалари тузиш;

ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда қайта сугурта қилиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта сугурта қилиш; махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

сугурта (қайта сугурта қилиш) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятини, шунингдек сугурта агенти сифатида сугурта воситачилигини амалга ошириш;

сугурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва оғохлантириш чора-тадбирларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда молиялаштириш;

сугурталовчи томонидан амалга ошириладиган сугурта турларига доир қондаларни (шартларни) қонун ҳужжатларига мувофиқ белгилаш;

сугурта товони миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлардан, судлар, тиббиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотлари ҳамда бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

сугурта агентлари, сугурта ва қайта сугурта брокерлари, сугурта бозорининг бошқа профессионал иштирокчилари билан тегишли шартномалар тузиш;

сугурта товони қўлашни қонун ҳужжатларида ва (ёки) сугурта (қайта сугурта қилиш) шартномасида белгиланган ҳолларда ҳамда тартибда рад этиш, сугурта (қайта сугурта қилиш) шартномасини муддатидан илгари бекор қилиш;

сугурта қилдирувчи томонидан тақдим этилган ахборотни текшириши, сугурта қилдирувчининг

3

жатарига ҳамда ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Сугурта ва қайта сугурта брокерлари:

сугурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

сугурта шартномасини тузиш ва ижро этиш бўйича тўлиқ, ишончли ҳамда ҳолисона ахборотни миқдорининг сўровларига кўра тақдим этиши;

миқдорнинг тижорат сирини ва бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларни ошкор қилмаслиги шарт.

Сугурта ва қайта сугурта брокерларининг зиммасида қонун ҳужжатларига ҳамда ўзлари тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

7) 9-модданинг учинчи қисми куйидаги мазмундаги учинчи – олтинчи қисмлар билан алмаштирилсин:

«Сугурта агенти ўз фаолиятини сугурталовчилар билан тузилган топшириқ шартномалари (агент битимлари) асосида амалга оширади.

Сугурта агенти фақат ўзи билан топшириқ шартномаси (агент битими) тузган сугурталовчи реестрига киритилганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Куйидагиларга:

сугурта агентининг тегишли турдаги сугуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган сугурталовчилар номидан сугурта шартномалари тузишига;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқро шартномаларида бошқа қондалар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сугурта бўйича сугурта агентининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган чет эл сугурта ташкилотлари номидан сугурта шартномалари тузиш билан боғлиқ бўлган воситачилик фаолиятини йўл қўйилмайди.

Сугурта агенти – жисмоний шахс ўз номига, тўловлар нақд пуллар билан амалга оширилганда эса яқин қариндошлари (отаси, онаси, хотини, эри, ўғли, қизи, опа-сингиллари ва ака-укалари) номига сугурта шартномалари бўйича ҳужжатлар ёзишга, шунингдек ўз фойдасига сугурта шартномалари тузишга ва бунда мазкур сугурта шартномаси бўйича су-

6

сугуртанинг (қайта сугурта қилишнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини сугурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узок муддатли ва қисқа муддатли ҳусусиятини ҳисобга олган ҳолда белгилаш;

сугурталовчининг (қайта сугурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини ақтуар ҳисобикитоблардан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

сугурталовчининг (қайта сугурталовчининг) даромадларини сугуртанинг (қайта сугурта қилишнинг) ҳар хил турлари бўйича режалаштириш.

Ақтуарий сугурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ фақат ақтуар хизматлари кўрсатади. Ақтуарий, агар у ақтуар ташкилот штатида турган бўлса ёки ақтуар ташкилот томонидан у билан фуқаролик-ҳуқуқий шартнома тузилган тақдирда, ақтуар хизматлари кўрсатишга жалб этилиши мумкин.

Ақтуарий сифатсиз ақтуар хизматларини кўрсатганлик, тижорат ёки бошқа сирини ошкор қилганлик ва ақтуар ташкилот зарар кўришига олиб келган ўзга хатти-ҳаракатлар натижасида етказилган зарар учун ақтуар ташкилот олдида жавобгар бўлади.

Ақтуар хизматлари кўрсатиш учун ақтуарий махсус ваколатли давлат органи белгилаган тартибда ақтуарий малака сертификатини олиши шарт.

Юридик шахс бўлган ақтуарий ўз штатида ақтуарий малака сертификатига эга бўлган камида битта ақтуарийга эга бўлиши керак.

Ақтуарий:

сугурталовчи сифатида сугурта ва қайта сугурта қилиш операциялари ўтказишга;

сугурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

сугурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақи эмас.

Ақтуарий фаолияти натижалари ҳисобот тарзида расмийлаштирилади.

Ақтуарий ҳисоботида кўрсатилган ҳулосалар мустақил сугурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқиши мумкин.

9⁵-модда. Ақтуарийнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Ақтуарий куйидаги ҳуқуқларга эга: ақтуар хизматлари кўрсатиладиган сугурталов-

11


Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига

УЛУҒ АДИБ АБАДИЯТИ

Атоқли адиб Абдулла Қаҳҳорнинг чўнг меҳнат ва заргарлик билан яратилган ҳар бир асарига боқий ҳақиқат муҳри ва шуҳури бор. Бундай залворли асарлар, шак-шубҳасиз, бугунги авлод онгу тафаккурини бойитишда маънавий куч-қудратга эга бебаҳо меросдир. Ёзувчининг ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси бугун мамлакатимиз миқёсида қадру эъзоз билан тилга олинмоқда.

Қаҳҳор фаолияти билан танишиш кифоя. Ёзувчининг таянадиган тоғи, ишонадиган боғи уни сўзлашга, ўйлаш ва дунёни англашга ўргатган она тилидир. Миллий тилининг гўзаллигини, идрок қилолмаган иходкор бошқа ҳеч бир

тини заргарлик санъати даражасида юксалтира олган ёзувчи эди. Абдулла Қаҳҳор ҳўжоя ва қўсақлардаги ҳар бир сўз, ҳар бир иборанинг ўрни шу қадар муҳим ва мустаҳкамки, уларни бошқа сўз, бошқа ибора ёхуд жумла билан ўзгартириш деярли имконсиз.



Иброҳим ҲАҚҚУЛ, филология фанлари доктори.

СЎЗ САНЪАТИ ЗАРГАРИ

Юртбошимиз томонидан жорий йил 8 январда қабул қилинган «Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида» ги Қарор адиб ижодий меросини асраб-авайлаш, уни ёш авлод онгига сингдириш борасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Устоз ёзувчи тил ва миллат, адабиёт ва иходкор бўлган бундайдан эҳтиромни умр бўйи оруз қилиб яшадди, десак, мулобага бўлмас. Чўнги адибнинг ҳаёти ва ижодий иш билан боғлиқ хотира-ларимиз шу тўхтаган сари етакчилик.

«Мен тажриба учун, — дейди Саид Аҳмад, — устознинг «Уғри», «Бемор», «Анор» ҳикояларидан баъзи сўзларни олиб ташлаб кўрдим. Бўлмади. Ҳўжоя бир устун олиб ташланган айвонга ўхшаб лапанлаб қолди». Ахир, ҳар бир саҳифа ўрта хисобда 15-16 марта кўчирилса, ҳар сафар жумлаларга сайқал берилса, боз устига бир саҳифадаги гапни бир жумлага, ўн саҳифа мазмунини биргина саҳифага сингдириш учун кунт ва илҳом ила меҳнат қилинса — сўз нари турсин, тиниш белгисини ҳам қимирлатиб бўлмайди. Она тилимизнинг хотира-си тўғрисида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Тилимиз хотира-сида нималар сақланиб қолгани ва нималар бизгача етиб келганини билишга уринганмисиз? Ўзбек тили

Халқимизнинг севимли адиби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор Истиқлол йилларида юксак қадр тоғди. Айниқса, Юртбошимизнинг адиб таваллудининг 100 йиллигини нишонлашга оид қарори ёзувчи ижодини ўрганишда янги босқични бошлаб берди.

Юбилей олдидан иходкор ўй-музейнинг тўлиқ тамирланиши, қолаверса, унинг асарлари асосида қатор ҳўжатли фильмлар, спектакллар ва телекўрсатувларнинг яратилганлиги — буларнинг бари адабиёт намояндасига

булган чўкур хўрмат намунаси, десак мулобага бўлмас. Шу билан бирга, иходкор ҳаёти ва фаолиятига даҳлдор тадиққотлар, бир қанча рисола ва илмий тўпламлар эълон қилинди. Ёзувчининг «Танланган асарлари», Кибриё Қаҳҳоранинг «Чорак аср ҳамнафас» китоби қайта нашр этилди. Мамлакатимиз олий ўқув юрлари, коллеж ва лицейларда ёзувчи ижоди ҳамда ҳаётий фаолиятига даҳлдор илмий-амалий анжуманлар, давра сўхбатлари ўтказиб келинмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясида ҳам адиб таваллудига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият тарбияот маркази ташаббуси билан ташкил этилган мазкур тадиққот шўир, ёзувчи, олимлар, олий ўқув юрларининг талаба ёшлари иштирок этди. Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Ш а в к а т Солихов, Ўзбекистон Қаҳҳорони, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ва бошқалар адиб ижодининг маънавий-маърифий аҳамияти ҳусусида тўхталиб, Абдулла Қаҳҳор шахсиятидаги ҳалоллик ва шижоат унинг асарларига ҳам кўчганлиги, бу ўз навбатида, бугунги ёш авлод тарбиясига таъсир этувчи муҳим омили эканлигини таъкидладилар. Анжуманда, шунингдек, Абдулла Қаҳҳорнинг бадий ҳақиқати, ёзувчининг драматургик истеъдоди каби мавзуларда ҳам чиқишлар қилинди. Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.

Анжуман

фаолияти суғурта объектлари дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан юридик ҳақиятга молик зарур маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш.

Адждасстер қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Адждасстер:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта ҳужжатларининг сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши;

суғурта ҳодисасига тааллуқли маълумотларни ўз вақтида таҳлил қилиш учун чора-тадбирлар кўриши шарт.

Адждасстер зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9-модда. Актуарий

Актуарий куйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматлари кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахсдир:

суғурта воқеаси юз беришининг математик жиҳатдан эҳтимолиги ҳисоб-китобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман суғурта мажмуи бўйича зарар етказилишининг тақдирини белгилаш ва уларнинг оқибатлари оғирлиги даражасини белгилаш;

суғурталовчининг (қайта суғурталовчининг) зарур суғурта захиралари ва фондларини математик жиҳатдан асослаш ҳамда ҳисоб-китоб қилиш, уларни шакллантириш усулларини ишлаб чиқиш;

суғурталовчининг инвестициялар сифатида тўпланган бадаллардан фойдаланишида капитал қўйилма нормаси ва нетто-ставка микдори ўртасидаги боғлиқлиқни тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга қўмаклашадиган тарзда аниқлаш;

суғурта жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва суғурта хизматлари таннархини ҳисоб-китоб қилиш;

10

суғурта агенти сифатида иш кўришга ҳақли эмас;

8) куйидаги мазмундаги 9-9-моддалар билан тўлдирилсин:

9-модда. Суғурта агентининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта агенти куйидаги ҳуқуқларга эга:

суғурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида суғуртанинг ҳар қандай тури, шу жумладан мажбурий суғурта турлари бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғуртага қабул қилинаётган суғурта таваккалчилигини баҳолашда, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта тўловини тўлашда ва суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмда ҳамда суғурта шартномасида белгиланган муддатларда тўлашда зарур қўмақ кўрсатиш;

суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фонди микдорлари, суғурта захиралари ҳамда қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар тўғрисида маълумотлар олиш;

суғурта шартномаси (суғурта полиси) тузиш учун зарур ҳужжатларни расмийлаштириш;

суғурта қилдирувчидан қабул қилиб олинаётган таваккалчиликлар тўғрисида суғурталовчига тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида барча учун очик бўлган манбалардан таваккалчилик ва суғурта қилдирувчи тўғрисида суғурта қилдирувчининг шахсий ҳаётига аралашмаган ҳолда маълумотлар тўплаш.

Суғурта агенти қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта агенти:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта шартномаси тузишда ва суғурта товони тўлашда ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштиришга қўмаклашиши;

суғурта тарифлари, суғурталовчилар томонидан тахлил этилаётган суғурта шартлари ҳақида, лицензиянинг мавжудлиги, устав фонди микдорлари, суғурта захиралари ҳамда қабул қилинган маж-

7

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 29 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда мақкулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги 358-И-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4-5, 68-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

- 1) 5-модданинг иккинчи қисми куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Суғурталовчилар, суғурта воситачилари, адждасстерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, шунингдек ассистанс суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларидир»;
- 2) 6-модданинг матни куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тегишли турдаги суғуртани амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товони (суғурта пули) тўловини амалга ошириш мажбуриятини олувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахс суғурталовчи деб эътироф этилади.

Суғурталовчилар суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас, ушбу Қонуннинг

2

тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

9) 10-модданинг иккинчи қисми:

бешинчи хатбоҳиси куйидаги тахрирда баён этилсин:

- «суғурталовчиларнинг суғурта захиралари маблағларини шакллантириш ҳамда жойлаштириш тартиби ва шартларини, шунингдек бундай маблағлар ҳисобини юритиш ҳамда улар бўйича ҳисоботлар тузиш тартибини белгилайди»;
- еттинчи хатбоҳиси куйидаги тахрирда баён этилсин:
- «суғурталовчилар томонидан тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ва эълон қилинадиган йиллик молиявий ҳисоботнинг шаклини, шунингдек уни тақдим этиш ҳамда эълон қилиш тартиби ва муддатларини белгилайди»;
- қуйидаги мазмундаги ўн биринчи - ўн тўртинчи хатбоҳишлар билан тўлдирилсин:
- «суғурталовчиларнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шунингдек суғурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва оғохлантириш чора-тадбирларини суғурталовчилар томонидан молиялаштириш тартиби ҳамда шартларини белгилайди»;
- актуар хизматлари кўрсатиш тартибини белгилайди;
- актуарий малака сертификатини олиш учун ўқув дастурларини ҳамда малака имтиҳонлари топшириш тартибини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, мазкур сертификатни олиш ҳуқуқи учун малака имтиҳони ўтказиш;
- белгиланган тартибда актуарий малака сертификати беради, унинг амал қилишини тугатади ва уни бекор қилади, малака сертификатига эга бўлган актуарийлар реестрини юритади»;
- ўн биринчи хатбоҳисини қуйидаги тахрирда баён этилсин:
- 10) 11-модда куйидаги тахрирда баён этилсин:
- «11-модда. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларини тузиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш
- Суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, шунингдек суғурта бозорининг юридик шахс бўлган бошқа профессионал иштирокчилари қонунларда назар-

15

Қирқиш чизиғи

Қирқиш чизиғи

чини (қайта суғурталовчини) эркин танлаш;

актуар хулосасини тузиш учун зарур бўлган ахборот суғурталовчи (қайта суғурталовчи) томонидан тақдим этилмаган тақдирда, актуар хизматлари кўрсатишини рад этиш;

бошқа актуарийларни ва ўзга мутахассисларни актуар хизматлари кўрсатишда иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш.

Актуарий қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Актуарий:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

актуар хизматлари кўрсатиш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигига риоя этиши;

актуар хулосасида актуар ҳисоб-китобларнинг камчилик фактларини ва уларни бартараф этишга доир тақлифларни акс эттириши шарт.

Актуарий зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9-модда. Суғурта сюрвейери

Суғурта сюрвейери куйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи, ўз штатида тегишли мутахассисларга эга бўлган юридик шахс ёки профессионал билим ва малакага эга бўлган жисмоний шахсдир:

суғурта шартномаси тузилгунинга қадар суғурта объектини кўздан кечириш ва текшириш;

суғурта шартномаси тузилгунинга қадар барча фактларни ва таваккалчилик ҳолатларини таҳлил қилиш, таваккалчилик даражасини аниқлаш;

текширилаётган суғурта объекти бўйича хулоса тузиш.

Суғурта экспертизасини ўтказишга ваколатли мутахассисларнинг (экспертларнинг) иш тартиби суғурта сюрвейери томонидан белгиланади.

Суғурта сюрвейери ўз фаолиятини суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

Суғурта сюрвейери:

суғурталовчи сифатида суғурта ва қайта суғурта қилиш операциялари ўтказишга;

12

махсус ваколатли давлат органи белгиланган шаклда, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий, статистика, солиқ ҳисоботларини ва бошқа ҳисоботларни тузиш шарт.

Суғурталовчининг зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин»;

4) 7-модда куйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Суғурта брокери суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмас.

Суғурта брокери ўзи билан суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади»;

5) 8-модда куйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи қисмлар билан тўлдирилсин:

«Қайта суғурта суғурта суғурталовчининг устав фондида иштирок этишга ҳақли эмас.

Қайта суғурта брокери ўзи билан суғурта қилдирувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади»;

6) куйидаги мазмундаги 8-модда билан тўлдирилсин:

8-модда. Суғурта ҳамда қайта суғурта брокерларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари куйидаги ҳуқуқларга эга:

суғуртанинг (қайта суғурта қилишининг) ҳар қандай тури бўйича ваколатлар доирасида воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузилган тақдирда, суғурталовчини (қайта суғурталовчини) танлаш;

суғурталовчидан лицензиянинг мавжудлиги, устав фондининг микдорлари, суғурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисида, шунингдек суғурталовчининг тўловга қобилиятлиги ва молиявий барқарорлигига доир бошқа кўрсаткичлар ҳақида маълумотлар олиш;

эксперт ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш.

Суғурта ва қайта суғурта брокерлари қонун ҳуж-

5

суғурта шартномаси талаблари ва шартларини бажариши устидан назоратни суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган тартибда амалга ошириш;

чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва адждасстер хизматлари кўрсатиш;

илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;

Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва чет эл рейтинг ташкилотлари рейтингларини олиш;

ўзининг алоҳида бўлиналарини ташкил этиш.

Суғурталовчи қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурталовчи:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта фаолиятини амалга ошириш чоғида олинган ахборотнинг махфийлигини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ таъминлаши;

ўзи ваколат берган суғурта агентларининг реестрини юритиш;

қонун ҳужжатларида белгиланган ахборотни махсус ваколатли давлат органининг талабига биноан тақдим этиш;

суғурта ҳодисаси юз берган тақдирда, қонун ҳужжатларида ёки суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириши ва суғурта товони тўлаши;

фирманнинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ёки жойлашган ери ўзгарган тақдирда, бу ҳақдаги ахборотни суғурта қилдирувчиларга ушбу Қонунда белгиланган тартибда етказиш;

суғурта захираларини махсус ваколатли давлат органи белгилайдиган тартибда ва шартларда шакллантириши ҳамда жойлаштириши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши;

махсус ваколатли давлат органи белгиланган тартибда бир йилда камидан бир марта актуарийни (актуар ташкилотни) актуар хизматлар кўрсатиш учун жалб этиши;

4

суғурта бўйича воситачилик фаолиятини амалга оширишга;

суғурталовчиларнинг устав фондларида иштирок этишга ҳақли эмас.

Суғурта сюрвейери ишининг натижалари бўйича ҳисобот тақдим этилади, суғурталовчи (суғурта қилдирувчи) бу ҳисоботдан суғурта (қайта суғурта қилиш) шартномаси тузиш чоғида фойдаланиши мумкин.

Суғурта сюрвейерининг ҳисоботида кўрсатилган хулосалар мустақил суғурта экспертизаси жараёнида қайта кўриб чиқиши мумкин.

9-модда. Суғурта сюрвейерининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Суғурта сюрвейери:

хизматлар кўрсатиладиган суғурталовчини (суғурта қилдирувчини) эркин танлашга;

суғурта объектини ўрганиш учун суғурта қилдирувчидан (суғурталовчидан) зарур ахборотни сўраш ва олишга;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, фаолияти суғурта объектларига дахлдор бўлган бошқа ташкилотлардан зарур маълумотларни сўраш ва олишга ҳақли.

Суғурта сюрвейери қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Суғурта сюрвейери:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиши;

суғурта экспертизаси ўтказиш учун тарафлар тақдим этган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаши;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларнинг махфийлигини сақлаши шарт.

Суғурта сюрвейери зиммасида қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

9-модда. Ассистанс

Ассистанс суғурта қилдирувчиларга (суғурталовчиларга) ва суғурта бозорининг юридик шахсларга, наф олувчиларга) ҳамда суғурталовчиларга суғурта шартномаси доирасида ассис-

13

Қирқиш чизиғи

Қирқиш чизиғи

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатида!

НАВОЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2008 йилда қурилиши ва қайта таъмирланиши мўлжалланган умумтаълим мактабларига пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади.

Объект номи, манзили	Қуввати
Янги қурилиш	
1. Навоий шаҳри, Умид кўрғонидан мактаб қурилиши	630
КАПИТАЛ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ	
1. Навбахор тумани, 22-сонли мактаб 12x24 м. ҳажмли спорт зали билан, «Янги йўл» КФЙ	330
2. Навбахор тумани, 2-сонли мактаб, «Истиклол» ф/у	360
3. Навбахор тумани, 11-сонли мактаб, «Учут» ф/у	160
4. Навбахор тумани, 35-сонли мактаб, «Наврўз» ф/у	80
5. Кармана тумани, 13-сонли мактаб, «Жалоир» КФЙ	600
6. Кармана тумани, 4-сонли мактаб 12x24 м. ҳажмли спорт зали билан, «Иби Сино» КФЙ	835
7. Нурота тумани, 10-сонли мактаб, «Дехибаланд» КФЙ	120
8. Нурота тумани, 56-сонли мактаб, «Фазгон» КФЙ (қурилиши тугалланмаган)	180
9. Нурота тумани, 26-сонли мактаб, Жарма кишлоғи	180
10. Нурота тумани, 27-сонли мактаб, Нурота шаҳри	630
11. Нурота тумани, 36-сонли мактаб, Хайрабод кишлоғи	180
12. Нурота тумани, 25-сонли мактаб, Октепа кишлоғи	96
13. Хатирчи тумани, 3-сонли мактаб 9x18 м. ҳажмли спорт зали билан, «М.Улуғбек» ф/у	220
14. Хатирчи тумани, 39-сонли мактаб, «Учқора» ф/у	320
15. Хатирчи тумани, 62-сонли мактаб, «Зарафшон» ф/у	120
16. Хатирчи тумани, 40-сонли мактаб, «Олтинсой» ш/х	180
17. Хатирчи тумани, 30-сонли мактаб, «Октепа» маҳалласи	160
18. Хатирчи тумани, 76-сонли мактаб	80
19. Учқудук тумани, 12-сонли мактаб, Шалкар кўрғони	120

Қурилишни якунлаш муддати — 2008 йил 1 июль.

Буюртмачи — Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Навоий кўчаси, 63-уйда жойлашган Навоий вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

Қурилиш ишларини молиялаштириш «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига ажратилган Республика болалар спортини ривожлантириш фонди ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар куйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камидан 20 фоизи микдориди бўш айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк фуқароланомаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқи лёвкат ва устав сармоясининг микдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажарилмаган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашиш талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талабларни ҳам қўйиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айни кўчаси, 32-уйда** жойлашган Навоий вилояти қурилиш танлов савдолари ва нархларни шакллантириш худудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин.

Тел./факс: (436) 225-53-85, 225-52-38.

Ҳужжатлар бир тўпламининг (комплект) қиймати — 60 000 сўм.

Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тақлифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камидан 30 кундан кейин ўтказилади.

«Меҳрли савдо»
шўъба корхонаси

2007 йилнинг IV чорағида қуйидагиларни сотиб олиш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади: сариёғ, 1-категорияли музлатилган мол гўшти.

Тендер тақлифларини топшириш ва тендер ҳужжатларини олиш учун хар кун и соат 9.00 дан 17.00 гача қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин: 100000, Ташкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, А.Икромов кўчаси, 27-уй. Телефонлар: 137-14-59, 137-45-15. Факс: 137-14-92.

Тендер тақлифларини қабул қилишининг сўнги муддати — 2007 йил 28 сентябрь куни соат 17.00 гача.

М. Қориеқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Дилшера ҚОДИРЖОНОВНИНГ вафот этганиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

«Ўзбектелеком» АК «Shaharlarga aloqa ko'ngonası» филиали жамоаси Бош директор Уринбосари Абдурашид Абдурашидов вафот этганиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Электртармоққурилиш» ОАЖ жамоаси «71-Меҳжамланма» бош муҳандиси

Абдурашид АБДИРАҲМОНОВНИНГ вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Электртармоққурилиш» ОАЖ жамоаси бош директор Уринбосари Абдурашид Абдурашидов вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

АБДИРАҲМОНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва мунтақалар бўлими 133-52-55;
Котибхона 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Мухаммадхалил Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Г — Тижорат материал

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Ташкент шаҳри,
Мягдубоғчи кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзинова.
Навбатчи — С. Хайдаров.
Муҳасбиҳ — Х. Топхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ҲАА якуни — 20.45 Топширилди — 23.00 : 2 3 4 5 6